

# **Ҳайз ва нифос аҳкомларида ۶ • савол**

**Муҳаммад ибн Солиҳ Ал-  
Усаймийн**

Китобнинг ушбу бўлими қуйидаги  
мавзуларни ўз ичига олади: - Намоз  
ва рўзадага ҳайз ва нифос ҳукмлари;  
- Намозда таҳорат ҳукмлари; - Ҳаж  
ва умрадаги ҳайз ва нифос ҳукмари;

<https://islamhouse.com/427400>

- [Ҳайз ва нифос аҳкомларида ۶ •  
савол](https://islamhouse.com/427400)

- Намоз ва рўзадаги ҳайз ҳукмлари
- ۱-савол: Агар аёл киши бомдод тугаши биланоқ пок бўлса, у ўзини ейишдан тўхтатиб шу куни рўза тутадими ва бу кун ўзи учун фарз ўрнига ўтадими ёки бу куннинг қазосини тутиб берадими?
- ۲-савол: Нифосдаги аёллар ۴ кундан олдин пок бўлсалар, рўза тутишлари ва намоз ўқишлари вожиб бўладими?
- ۳-савол: Агар рамазон тонгида аёл кишидан оддий

қон томчиласа ва бу қон у билан бутун рамазон ойида давом этса, у рўза тутадими ва унинг рўзаси саҳиҳ бўладими?

- ξ-савол: Агар ҳайз ёки нифосли аёл бомдоддан олдин пок бўлса, лекин тонг отгандан кейингина ғусл қилса, унинг рўзаси саҳиҳ бўладими ёки йўқми?
- ο-савол: Агар аёл киши қонни сезса, лекин қуёш ботишидан олдин қон чиқмаса ёки одатдаги оғриқни сезса, унинг шу кунги рўзаси саҳиҳ

бўладими ёки унга қазосини тутиш вожибми?

- 1-савол: Агар аёл киши қон кўрса, лекин уни ҳайз қони деб ҳисобламаса, шу кунги рўзаси ҳукми қандай?
- 2-савол: Ҳайз ва нифосдаги аёллар рамазон (куни)да еб-ичадиларми?
- 3-савол: Агар ҳайз ёки нифосдаги аёл аср вақтида пок бўлса, унга аср намози билан бирга пешин намози ҳам лозим бўладими? Ёки асрдан бошқаси лозим бўлмайдими?

- ۱۰-савол: Боласи тушган аёллар ۲ ҳолатдан холи бўлмайдилар: ё ҳомила шаклга кирмасидан олдин, ёки шаклга кирганидан кейин. Ҳомидалари тушган куннинг ва қон кўрадиган кунларининг рўзасининг ҳукми қандай?
- ۱۱-савол: Рамазон кунда ҳомиладор аёлдан қон келса, унинг рўзасига таъсир қиладими?
- ۱۲-савол: Агар аёл киши одатий пайтларида биринчи кун қон кўрса ва кейинги кун эса кун бўйи қон

кўрмаса, у аёл нима қилиши керак?

- ۱۳-савол: Ҳайзнинг охириги кунларида ва покликдан олдин аёл киши қон изини кўрмаса, шу куни у ҳайздан кейинги аёлларда кўриладиган поклик аломатини кўрмасада рўза тутаверадими ёки нима қилади?
- ۱۴-савол: Ҳайз ва нифосли аёлнинг қуръонга қараган ёки ёддан зарур ҳолларда, яъни толиба ё муаллима бўлган пайтларида ўқишининг ҳукми нима?

- ۱۰-савол: Ҳайзли аёл пок бўлганидан кейин, қон ва нажосат тегмаганини билсада, кийимларини алмаштириши лозимми?
- ۱۶-савол: Баъзи аёлларга кейинги йили рамазон кирсада, ўтган рамазондан қазоларини тутмаган бўлсалар, уларга нима вожиб бўлади?
- ۱۷-савол: Агар аёл киши пешинда, яъни соат ۱:۰۰ да ҳайз кўрса ва лекин пешинни ўқимаган бўлса, пок бўлганидан кейин бу

намознинг қазосини ўқиш лозимми?

- ۱۸-савол: Агар ҳомиладор аёл туғишидан ۱ кун ё ۲ кун олдин қон кўрса, рўза ва намоз у сабабидан тўхтатиладими ёки нима қилади?
- ۱۹-савол: Аёллар рўза тутиш мақсадида ойлик ҳайзни тўхтатиш учун дорилардан фойдаланишга фикрингиз қандай?
- ۲۰-савол: Баъзи аёлларда қон келиши доимо давом этади. Гоҳида ۱ кун ёки ۲ кунга тўхтаб сўнг қайтиб келади.

Рўза, намоз ва бошқа ибодатларга нисбатан бу ҳолатнинг ҳукми қандай?

- ۲۱-савол: Рамазон кечаларида аёл киши уйида намоз ўқигани афзал бўладими ёки маъруза ва мавъизалар бўладиган масжидлардами?

Масжидларда намоз ўқийдиган аёлларга нима маслаҳат ( йўлланма) берасиз?

- ۲۲-савол: Рамазон кунларида рўзадор аёл таомнинг мазасини татиб кўришининг ҳукми қандай?

- ۲۳-савол: Аёл киши  
ҳомиладорлигининг аввалги  
пайтларида бир ҳодиса  
туфайли ҳомиласи қаттиқ  
қон кетишидан кейин тушиб  
қолса, унинг рўзасини очиш  
ёки давом эттиравериш  
жоизми? Агар рўзасини очса  
гуноҳ бўладими?
- ۲۴-савол: Бир сўровчи  
аёлнинг айтишича, унга  
рамазон рўзаси фарз  
бўлганидан бери рўза тутар  
ва лекин ҳар ойда кўрадиган  
ҳайзи туфайли тутмаган  
рўзаларининг қазосини  
уларни саноғини билмагани

учун тутмас экан, шу сабаб у қилган ишлари муқобилида нима қилиши кераклиги ҳақида йўлланма сўради.

- ۲۵-савол: Мурожаат қилувчи аёл айтади: Агар аёл киши намоз вақти кирганидан кейин ҳайз кўрса, пок бўлганида шу намозни қазосини адо қилиши вожибми? Шунингдек, агар намоз вақти чиқишидан олдин пок бўлсачи?
- ۲۶- савол: Бир киши айтади: сизга маълум қиламанки менинг ۶۵ ёшга кирган онам бор, у ۱۹ йил муддат ичида

фарзандли бўлмаган, шу билан бирга унда ۳ йил қон кетиши бўлган ва бу нарса касаллик бўлиб унга ҳозирги вақтда ҳам келмоқда, у (яъни онам) яқинда рўза тутиши керак, унга лутф қилиб қандай насихат қиласиз? Унга ўхшаганлар қандай тасарруф қилади?

- Намозда поклик ҳукумлари
- ۲۷-савол:
  - Аёлларда келадиган суюқликнинг ҳукмлари:
- ۲۸- савол: Агар ундан доимо суюқлик келадиган аёл фарз намози учун таҳорат қилса,

кейинги фарз намозининг вақти келгунча шу намознинг таҳорати билан хоҳлаганича нафл намозлар ўқиши ва қуръон тиловат қилиши мумкинми?

- ۲۹-савол: Бу аёлга бомдоднинг таҳорати билан зуҳо (чошгоҳ) намозни ўқишлиги жоизми?
- ۳۰- савол: Бу аёлга кечанинг ярми ўтган бўлса, хуфтоннинг таҳорати билан тунги намозларни ўқиши саҳиҳ бўладими?
- ۳۱- савол: Хуфтон намозининг охирги вақти

қайси? Ва уни қандай билиш мумкин?

- ۳۲- савол: Агар гоҳида ундан суюқлик келадиган аёл таҳорат қилса, таҳоратини тугатганидан кейин, намоз ўқишидан олдин яна келиб қолса, унинг ҳукми қандай?
- ۳۳- савол: Агар бу суюқлик бадан ёки либосга тегса нима лозим бўлади?
- ۳۴- савол: Бу суюқлик сабабидан қилинаётган таҳоратга нисбатан ҳам, фақат таҳорат аъзоларини ювиш билан кифояладими?

- ۳۵- савол:Саҳобия аёллар диний ишлари ҳақида фатво сўрашга жуда ҳарис бўлишлари билан бирга бу суюқлик ҳақида далил бўладиган ҳадис Росулulloҳдан нақл қилинмаганига сабаб нима?
- ۳۶- савол:Ҳукмни билмагани учун таҳорат қилмаган аёлга нима вожиб бўлади?
- ۳۷- савол:Баъзилар бу суюқликка таҳорат қилинмайди, деб бу сўзни сизга нисбат қилишади. Сиз бунга нима дейсиз?

- ۳۸- савол: Ҳайздан олдин бир кун ёки ундан кўп ёки камроқ вақт мобайнида аёл кишида келадиган хира, лойқа рангнинг ҳукми нима? Гоҳо келадиган суюқлик ингичка қора ип ёки ундан очроқ (заифроқ) ёки шунга ўхшаш бўлади. Агар бу нарса ҳайздан кейин келса, унинг ҳукми қандай?
- ۳۹-савол: Ҳайздаги аёл икки ракаат эҳром намозини қандай ўқийди? Ҳайзли аёл учун қуръонни ичида такрорлаши жоизми ёки йўқми?

- ξ • -савол: Аёл киши ҳажга сафар қилди ва сафари давомида ୦ кун ҳайзи келди. Мийқотга борганидан кейин, ғусл қилиб эҳром боғлади, лекин ҳайздан покланмаган эди. Маккаи Мукарраммага етгач, ҳарамдан ташқарида қолди ва ҳаж ёки умра амалларидан биронтасини қилмади. Минода ୧ кун турди, сўнг ҳайздан покланиб ғусл қилди ва пок бўлган ҳолда умранинг ҳамма амалларини адо этди. Лекин ҳаж учун тавофи ифоза қилаётганда ундан яна

қон келиб қолди, у бўлса  
бундан уялиб ҳаж  
амалларини мукаммал  
қилди. Бу ҳақида валийсига  
юртига қийтгандан сўнг  
хабар берди. Бунинг ҳукми  
қандай?

- ξ 1)-савол: Умра учун эҳром  
кийган аёл Маккага  
келгандан сўнг ҳайз кўрса,  
унинг маҳрами тезда сафар  
қилишига мажбур бўлса, у  
билан Маккада қоладиган  
ҳеч ким бўлмаса унинг  
ҳукми қандай?
- ξ 2)-савол: Ҳаж кунларида  
ҳайз бўлиб қолган муслима

аёлнинг ҳажи жоизми, унинг ҳукми қандай?

- ξϯ-савол:
- ξξ-савол:Нифосдаги аёлнинг нифоси тарвия куни (зилҳижжанинг ^-куни) бошланса, тавоф ва саъйдан бошқа ҳаж амалларини комил қилса ва у \cdot кундан кейин қайтадан покланишини билса, пок бўладими ва ғусл қилиб қолган рукнини, яъни ҳаж тавофни қиладими ?
- ξο-савол:Бир аёл ҳаж учун сайл (жой номи) қилинадиган жойдан эҳром

кийса, ваҳолангки у ҳайзли  
бўлса, Маккага етган  
маҳалида ўзининг ҳожати  
учун Жиддага кетса ва  
Жиддада пок бўлса ва ғусл  
қилса, сочини тараса сўнг  
ҳажини тамом қилса, унинг  
ҳажи саҳиҳми ёки унга бир  
нарсa вожибми?

- № 7-савол: Мурожаат қилувчи  
аёл: мен умра учун чиқдим  
ва мийқотдан ўтдим ҳайзли  
бўлганим учун эҳром  
киймадим. Маккада пок  
бўлгунимча қолдим ва  
Маккадан эҳромга кирдим.  
Бу жоизми ёки нима

қилишим керак? Менга нима  
вожиб бўлади?

- ξΥ-савол:Мурожаат қилувчи  
айтади: Янбуъ (жой  
номи)дан умра учун мен ва  
аҳлим келдик. Жиддага  
етган пайтимда аёлим  
хайзли бўлиб қолди. Лекин  
мен аёлимсиз бир ўзим  
умрани комил қилдим.  
Аёлимга нисбатан ҳукм  
қандай?
- ξΛ-савол:Сафо ва Марва  
ҳарамданми? Хайзли аёл  
унга яқинлашадими? Сафо  
ва Марвадан ҳарамга кирган

кишига таҳийятул масжид  
ўқиш вожибми?

- ❧-савол: Мурожат қилувчи  
аёл айтади: Мен ҳаж қилдим  
ва менинг ҳайзим келди, мен  
эса бирор кимсага айтишдан  
уялдим, ҳарамга кирдим  
намоз ўқидим, тавоф ва саъй  
қилдим, у менга нифосдан  
кейин келгани учун нима  
вожиб бўлади?
- ❧-савол: Аёл киши арафа  
куни ҳайз кўрса нима  
қилади?
- ❧-савол: Аёл киши  
жамратулу ақобада тош  
отишдан кейин тавофи

ифозадан олдин ҳайз кўрса,  
у эри билан боғлиқ бўлса,  
эри эса жамоа билан бирга  
бўлса уйга кетгач қайтиб  
келиши мумкин эмаслигини  
билса нима қилади?

- ○۲-савол: Агар нифосли аёл  
ξ• кундан олдин пок бўлса  
ҳажи саҳиҳ бўладими?  
Ҳажга ният қилганини  
билатуриб, агар покликни  
кўрмаса нима қилади?

## Ҳайз ва нифос аҳкомларида ۶• савол

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Оллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Унинг расули Мухаммад ибн Абдуллоҳга, унинг аҳллари, саҳобалари ва қиёматгача унинг йўлида юрувчиларга салоту саломлар бўлсин.

Муслима синглим: Ибодатларда ҳайз ҳукмлари ҳақида уламоларга бериладиган саволларнинг кўплигига кўра доимо такрорланиб турадиган ва кўпинча юзага келиб қоладиган саволларни кенг қилмасдан, қисқача қилиб жамлашга қарор қилдик.

Муслима синглим: Доимо сизнинг кўлингизда бўлиши учун уларни

жамлашга қаттиқ киришдик. Бунинг сабаби Оллоҳнинг шариатида фикҳнинг муҳимлиги ва сиз Оллоҳга илм, идрок билан ибодат қилишингиз учундир.

Эслатма: Китобни биринчи марта варақлаётган кишига баъзи саволлар қайтарилаётгандек кўриниши мумкин, лекин диққат билан карагандан кейин, бошқа жавобларда зиёда илм бор эканлигини билади. Биз бу жавобларга эътиборсиз бўлмаслигин- гизни хоҳладик. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, аҳли ва саҳобаларига Оллоҳнинг саломи бўлсин. Омин.

## Намоз ва рўзадаги ҳайз ҳукмлари

1-савол: Агар аёл киши бомдод тугаши биланоқ пок бўлса, у ўзини ейишдан тўхтатиб шу куни рўза тутадими ва бу кун ўзи учун фарз ўрнига ўтадими ёки бу куннинг қазосини тутиб берадими?

Жавоб:

Агар аёл киши тонг отганидан кейин пок бўлиб қолса, шу куни рўза тутиши ҳақида уламоларнинг икки хил сўзлари бор:

Биринчи сўз: Унга шу куннинг қолганида ҳам рўза тутаверишлиги лозим бўлади, лекин бу у учун фарз ўрнига ўтмайди, балки қазосини тутиб бериши вожиб бўлади. Бу Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳнинг мазҳабларида машҳурдир.

Иккинчи сўз: Унга куннинг қолганида рўза тутиш лозим эмас, чунки бу куннинг аввалида ҳайзли бўлгани учун рўза саҳих (тўғри) бўлмайди ва рўзадор ҳисобланмайди. Агар тўғри бўлмайдиган бўлса, рўза тутишдан фойда йўқдир. Бу вақт аёл кишига нисбатан ҳурматсиз вақтдир. Чунки у куннинг аввалида ифторлик

қилишга буюрилган, балки унга куннинг аввалида рўза тутиши ҳаром қилинган эди. Ҳаммамиз билганимиздек, шаръий рўза шундайки, Оллоҳ таолога ибодат қилган ҳолда тонг отгандан қуёш ботгунча рўзани очадиган нарсалардан сақланишдир. Бу сўз кўриб турганингиздек, рўза тутиш лозим деган сўздан тўғрироқдир. Иккала сўзга биноан ҳам, аёл кишига бу куннинг қазосини тутиши лозим бўлади.

**۲-савол: Нифосдаги аёллар ۴۰ кундан олдин пок бўлсалар, рўза тутишлари ва намоз ўқишлари вожиб бўладими?**

Жавоб:

Ҳа, агар нифосдаги аёл ۴• кундан олдин пок бўлса ва пок бўлиши рамазонда бўлса, рўза тутишлиги ва намоз ўқишлиги вожиб бўлади. Эри билан яқинлик қилишлиги ҳам жоиз бўлади. Чунки, у аёл покдир. Унга рўзанинг, намознинг вожиблигини ва жимоънинг мубоҳлигини ман қиладиган нарса йўқдир.

**Ў-савол: Агар рамазон тонгида аёл кишидан оддий қон томчиласа ва бу қон у билан бутун рамазон ойида давом этса, у рўза тутадими ва унинг рўзаси саҳиҳ бўладими?**

Жавоб:

Ҳа, унинг рўзаси саҳиҳ. Бу томчилар ҳеч нарса эмас, чунки қон томирлардандир. [Али ибн Абу Толибдан нақл қилинишича дедилар:](#) «Албатта бу бурун қонашига ўхшаган томчилар бўлиб ҳайздан эмасдир". У зотдан шундай зикр қилинади.

**Ў-савол: Агар ҳайз ёки нифосли аёл бомдоддан олдин пок бўлса, лекин тонг отгандан кейингина ғусл қилса, унинг рўзаси саҳиҳ бўладими ёки йўқми?**

Жавоб:

Ҳа, бомдоддан олдин пок бўлиб,  
бомдоддан кейин ғусл қилган  
аёлнинг рўзаси саҳиҳ бўлади.  
Шунингдек, нифосдаги аёл ҳам.  
Чунки у бу пайтда рўза аҳлидан  
бўлади. У аёл тонг отганда жунуб  
ҳолда бўлган киши кабидир.  
Албатта у кишининг рўзаси саҳиҳ  
бўлади. **Оллоҳ таолонинг сўзи бунга  
далил:** "Энди уларга  
яқинлашаверингиз ва Оллоҳ сизга  
ёзган нарсани талаб қилингиз. Тонг  
пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча  
еб ичаверинглар". (Бақара: 187).

Агарки, Оллоҳ таоло бомдод  
бўлгунча жимоъга рухсат берган  
экан, шу сабабли ғусл тонг отгандан

кейин бўлса ҳам бўлаверади. Бунга Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадис далил бўлади.

"Албатта Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз аҳллари билан жимоъ қилганлари сабабли жунуб ҳолда тонг оттирар эдилар, ваҳоланки у зот рўзадор бўлар эдилар". Яъни Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобатдан тонг отганидан кейингина ғусл қилардилар.

**•-савол: Агар аёл киши қонни сезса, лекин қуёш ботишидан олдин қон чиқмаса ёки одатдаги оғриқни сезса, унинг шу кунги рўзаси саҳиҳ бўладими ёки унга қазосини тутиш вожибми?**

Жавоб:

Агар аёл киши ҳайз келишини сезса ва у рўзадор ҳолда бўлса, лекин қон қуёш ботганидан кейин чиқса ёки аёл киши ҳайз оғриғини сезса-ю, лекин қон қуёш ботганидан кейин чиқса, шу куннинг рўзаси саҳиҳдир. Агар у фарз рўза бўлса қайтариб тутиши вожиб эмас, агар у нафл рўза бўлса савобидан бебаҳра бўлмайди.

**1-савол: Агар аёл киши қон кўрса, лекин уни ҳайз қони деб ҳисобламаса, шу кунги рўзаси ҳукми қандай?**

Жавоб:

Яқиндагина шунга ўхшаш савол ўтди. Лекин шу нарсани зиёда қилиш қолди, агар бу томчилар унинг одатий кунларида бўлса ва буни ўзи билган ҳайздан деб эътибор қилса, бас бу ҳайз ҳолати бўлади.

**А-савол: Ҳайз ва нифосдаги аёллар рамазон (кун)да еб-ичадиларми?**

Жавоб:

Ҳа, рамазон кунлари еб-ичадилар. Лекин унинг ҳузурида ёш болалардан бири бўлса, буни яширинча қилгани яхшироқ. Чунки

бу уларда қийинчилик туғдириши мумкин.

**9-савол: Агар хайз ёки нифосдаги аёл аср вақтида пок бўлса, унга аср намози билан бирга пешин намози ҳам лозим бўладими? Ёки асрдан бошқаси лозим бўлмайдами?**

Жавоб:

Бу масалада энг тўғри сўз шуки, унга фақат аср намози лозим бўлади. Чунки унга пешин намозининг вожиблигига далил йўқ, аслида зиммасидагини адо этишидир. **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Қимки**

куёш ботишидан олдин асрнинг бир ракаатига етса ҳам, асрни топган бўлади" [1]. Бунда "Пешинни топган бўлади", деганлари йўқ. Агар пешин вожиб бўлганда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилган бўлар эдилар. Агар аёл киши пешин вақти кирганидан кейин ҳайз кўрса, фақатгина пешин намозининг қазоси лозим бўлади, аср намозиники эмас, модомики пешин билан асрнинг ораси жамъ қилинса ҳам. Бу ҳолат билан шу ҳақида савол берилган ҳолатнинг орасида фарқ йўқ. Шунга кўра энг тўғри сўз шуки, ҳадис ва қиёс далил бўлгани учун унга фақат аср намози лозим

бўлади. Шу каби агар хуфтон намози чиқишидан олдин пок бўлса, унга фақатгина хуфтон лозим бўлади, шом намози эмас.

**۱۰-савол: Боласи тушган аёллар ۲**  
**ҳолатдан холи бўлмайдилар: ё**  
**ҳомила шаклга кирмасидан**  
**олдин, ёки шаклга кирганидан**  
**кейин. Ҳомидалари тушган**  
**куннинг ва қон кўрадиган**  
**кунларининг рўзасининг ҳукми**  
**қандай?**

Жавоб:

Агар ҳомила шаклга кирмаган бўлса, унинг қони нифос қони эмас,

шунга кўра у аёл рўза тутади, намоз ўқийди ва унинг рўзаси саҳиҳдир.

Агар ҳомила шаклга кирган бўлса, унинг қони нифос қонидир ва унга намоз ўқиш ва рўза тутиш ҳалол бўлмайди. Бу масалада қоида ёки тартиб шуки, албатта агар ҳомила шаклга кирган бўлса, унинг қони нифос қонидир. Агар ҳомила шаклга кирмаган бўлса, унинг қони нифос қони эмас. Қон нифос қони бўлса унга нифосдаги аёлларга ҳаром бўлган нарсалар унга ҳам ҳаром бўлади. Агар нифос қони бўлмаса унга булар ҳаром бўлмайди.

**11-савол: Рамазон кунда  
ҳомиладор аёлдан қон келса,  
унинг рўзасига таъсир қиладими?**

Жавоб:

Агар аёл киши рўзадор пайтида ҳайз қони чиқса, унинг рўзаси бузилади. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларига биноан: "Ҳайз кўрган аёл намоз ўқимайди ва рўза тутмайди-ку".

Шунинг учун уни рўзани бузадиганлардан деб ҳисоблаймиз, нифос ҳам шу кабидир. Ҳайз ва нифос қонининг чиқиши рўзани бузгувчидир. Ҳомиладор аёлдан рамазон кунини қон тушишлиги агар

хайз қони бўлса, албатта у худди ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг хайзи каби бўлади, яъни унинг рўзасига таъсир қилади. Агар хайз қони бўлмаса, унинг рўзасига таъсир қилмайди. Ҳомиладор аёлдан келадиган қон у узлуксиз, доимий келувчи хайз бўлиб, ҳомиладор бўлганидан бери тўхтамай балки одатий кунларда келади. Бу хайз учун энг тўғри сўзга биноан хайз ҳукмлари собит бўлади. Аммо ҳомиладан кейин, ундан қон тўхтаган бўлиб, кейинчалик кўрган қони одатий қон бўлмаса (яъни ҳар ойда келадиган), бу унинг рўзасига

таъсир қилмайди, чунки у ҳайздан эмасдир.

**۱۶-савол: Агар аёл киши одатий пайтларида биринчи кун қон кўрса ва кейинги кун эса кун бўйи қон кўрмаса, у аёл нима қилиши керак?**

Жавоб:

Зоҳиран шундайки, ҳайз кунларида ҳайзининг кетидан келган поклик ёки қуруқлик кунлари ҳайзга тобеъ бўлиб, поклик ҳисобланмайди.

Шунга кўра ҳайзли аёл ман қилинган нарсалардан ман қилинган ҳолда қолади. **Баъзи аҳли илмларнинг айтишича:** Агар бир кун

қон, бир кун покликни кўрса, қон тўхтаган куни пок ҳисобланади, қон кўрган куни ҳайз ҳисобланади, ҳатто ۱۰ кунга етгунча. Агар ۱۰ кунга етса, ундан кейингилари истиҳоза қони ҳисобланади. Бу имоми Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳабларида машҳурроқдир.

**۱۳-савол: Ҳайзнинг охириги кунларида ва покликдан олдин аёл киши қон изини кўрмаса, шу куни у ҳайздан кейинги аёлларда кўриладиган поклик аломатини кўрмасада рўза тутаверадими ёки нима қилади?**

Жавоб:

Агар баъзи аёллар кўргани каби оқликни кўрмаслик унинг одатида бўлса, у рўза тутаверади. Агар оқликни кўриш одати бўлса, ҳатто оқликни кўрмагунча рўза тутмайди.

**۱۴-савол: Ҳайз ва нифосли аёлнинг қуръонга қараган ёки ёддан зарур ҳолларда, яъни толиба ё муаллима бўлган пайтларида ўқишининг ҳукми нима?**

Жавоб:

Ҳайз ва нифосли аёл ҳожат учун, яъни толиба ё муаллима бўлгани учун, қуръон ўқишининг ёки уни ўқиб кечаси ё кундузи

такрорлашининг зарари йўқ. Аммо куръон ўқишдан мақсад тиловат савобига эришиш бўлса, ўқимагани афзал. Чунки аксар аҳли илмларнинг фикрларига кўра, унга куръон ўқиш ҳалол бўлмайди.

**۱۰-савол: Ҳайзли аёл пок бўлганидан кейин, қон ва нажосат тегмаганини билсада, кийимларини алмаштириши лозимми?**

Жавоб:

Аёл кишига бу лозим эмас, чунки ҳайз баданни нажас қилмайди. Албатта ҳайз қони фақат теккан жойнигина нажас қилади. Шу

сабабли Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни кийимларига ҳайз қони тегса, уни ювиб шу кийимларида намоз ўқишларини буюрганлар.

**17-савол:Баъзи аёлларга кейинги йили рамазон кирсада, ўтган рамазондан қазоларини тутмаган бўлсалар, уларга нима вожиб бўлади?**

Жавоб:

Улар бу ишлари учун Оллоҳга тавба қилишлари вожиб бўлади. Чунки рамазондан қазоси бўлган киши учун уни кейинги рамазонгача узурсиз кечиктириши жоиз

бўлмайди. Бунга Оиша разияллоху анҳонинг сўзлари далил: "Менинг рамазондан қазоларим бўларди, мен уни қазосини тутишга шаъбондагина қодир бўлардим".

Бу ҳадис рамазоннинг қазосини кейинги рамазонгача кечиктириш мумкин эмаслигига далилдир. Бас у аёлга қилган иши учун Оллоҳ азза ва жаллага тавба қилиши ва тарк қилган кунларининг қазосини, бу рамазондан кейин тутиши вожиб бўлади.

**۱۷-савол: Агар аёл киши пешинда, яъни соат ۱:۰۰ да ҳайз кўрса ва лекин пешинни**

## Ўқимаган бўлса, пок бўлганидан кейин бу намознинг қазосини ўқиш лозимми?

Жавоб:

Бу ҳақда уламолар ўртасида ихтилоф бор. Уламолардан баъзилари бу намозни қазо қилиш лозим эмас, чунки у намозни ўтказиб юбормади ва у гуноҳкор бўлмади. Шу билан бирга, у учун намозни охириги вақтигача кечиктириш жоиз эди, дейишади.

Баъзилари эса, унга бу намозни қазо қилиш лозим дейишади, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари умумий бўлгани учун.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Ким намознинг бир ракаатига улгурса, у намозни топган бўлади". Унинг қазосини ўқиш эҳтиёткорликдир. Чунки у битта намоз бўлгани учун уни қазосини адо қилишда машаққат йўқ.

**1^-савол: Агар ҳомиладор аёл туғишидан 1 кун ё 2 кун олдин қон кўрса, рўза ва намоз у сабабидан тўхтатиладими ёки нима қилади?**

Жавоб:

Агар ҳомиладор аёл туғишидан 1 кун ё 2 кун олдин қон кўрса ва у

билан бирга тўлғоқ ҳам бўлса, албатта у нифосдир. Шу сабабли рўза ва намозни тарк қилади. Агар у билан бирга тўлғоқ бўлмаса, у фасод кони бўлади. Унинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ ва уни рўза, намоздан ман қилмайди.

**19-савол: Аёллар рўза тутиш мақсадида ойлик ҳайзни тўхтатиш учун дорилардан фойдаланишга фикрингиз қандай?**

Жавоб:

Мен бундан қайтараман. Чунки бу дориларда катта зарар бор, бу нарса

менга табиблар томонидан исбот қилинганлиги айтилди.

Аёл кишига шундай дейилади: Бу Оллоҳ таолонинг Одам алайҳиссалом қизларига ёзган нарсасидир. Оллоҳ азза ва жалла ёзган нарсасига қаноат қилгин, монёъ бўлмаган пайтда рўза тутгин, агар монёълик бўлса, Оллоҳ азза ва жалла тақдир қилган нарсага рози бўлган ҳолда ифтор қил, (яъни рўза тутма).

**۲۰-савол:Баъзи аёлларда қон келиши доимо давом этади. Гоҳида ۱ кун ёки ۲ кунга тўхтаб сўнг қайтиб келади. Рўза, намоз**

## ва бошқа ибодатларга нисбатан бу ҳолатнинг ҳукми қандай?

Жавоб:

Кўп аҳли илмларнинг фикрларича, агар аёл кишининг одатий кунлари бўлса ва бу кунлари тугаса, у ғусл қилиб намоз ўқийди ва рўза тутди. ۲ ё ۳ кундан кейин кўрган нарсаси ҳайз эмасдир. Чунки покликнинг энг ками ўша уламоларнинг фикрича ۱۳ кундир. **Баъзи аҳли илмлар айтадилар:** Аёл киши қачон қон кўрса у ҳайз бўлади, қачон пок бўлса, у пок ҳисобланади. Агарда икки ҳайзнинг орасида ۱۳ кун бўлмаса.

**۲۱-савол: Рамазон кечаларида аёл киши уйида намоз ўқигани афзал бўладими ёки маъруза ва мавъизалар бўладиган масжидларда? Масжидларда намоз ўқийдиган аёлларга нима маслаҳат ( йўлланма) берасиз?**

Жавоб:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг "Уларнинг уйлари ўзлари учун яхшидир", деган сўзлари умумий бўлгани учун, уйларида намоз ўқиганлари афзалдир. Чунки аёлларнинг чиқишлари кўп ҳолларда фитнадан холи бўлмайди. Аёл кишининг

уйида қолиши намоз учун масжидга чиқишидан яхшидир. Мавъиза ва ҳадисларни касеталар орқали эшитиш ҳам мумкин. Масжидларда намоз ўқувчи аёллар учун кўрсатмаларим шуки, улар уйларида ясан-тусан қилмасдан, атир сепмасдан чиқсинлар.

**۲۲-савол: Рамазон кунларида рўзадор аёл таомнинг мазасини татиб кўришининг ҳукми қандай?**

Жавоб:

Зарур бўлгани учун унда гуноҳ йўқ, лекин татиб кўрган нарсасини туфлаб ташлайди.

**۲۳-савол: Аёл киши**  
**ҳомиладорлигининг аввалги**  
**пайтларида бир ҳодиса туфайли**  
**ҳомиласи қаттиқ қон кетишидан**  
**кейин тушиб қолса, унинг**  
**рўзасини очиш ёки давом**  
**эттиравериш жоизми? Агар**  
**рўзасини очса гуноҳ бўладими?**

Жавоб:

Айтамизки, Имом Аҳмад айтганларидек, ҳомиладор аёл ҳайз кўрмайди. Албатта аёллар ҳомиладорликни ҳайзнинг тўхташи билан биладилар. Аҳли илмлар айтгани каби ҳайз бу Оллоҳ таоло она қорнидаги ҳомилага озуқа

бўлиш ҳикмати билан яратган нарсасидир. Агар ҳомила пайдо бўлса, ҳайз тўхтайдди. Лекин баъзи аёлларнинг ҳайзлари ҳомиладорликдан олдинги одатидагидек давом этади. Бундай ҳолда унинг ҳайзи ҳақиқий ҳисобланади. Чунки бу ҳайз у билан давом этиб, ҳомилага таъсир қилмагандир. Шу сабаб, бу ҳайз ҳомиладор бўлмаганларнинг ҳайзи ман қилган ҳар бир нарсани ман қилади, вожиб қилган нарсани вожиб қилувчи ва соқит қилганини соқит қилувчи ҳисобланади. Натижа шуки, **албатта ҳомиладор аёлдан чиқадиган қон икки хилдир:**

Ҳомиладорликдан олдинги каби давом этадиганига ҳайз ҳукми берилади. Бунинг маъноси шуки, ҳомила унга таъсир қилмаган, шу сабабли у ҳайз ҳисобланади.

Иккинчи хили бирор ҳодиса, ё бирор нарсани кўтариши, ё бирор жойда йиқилиш туфайли ҳомиладор аёлдан келган қондир. Бу қон ҳайздан эмасдир, балки у томирдан чиққан қондир.

Шунга кўра, уни намоздан ва рўзадан ман қилмайди, балки у пок нарса ҳукмида бўлади. Лекин бир ҳодисадан кейин қорнидаги бола ёки ҳомила тушиши лозим бўлиб қолса, аҳли илмларнинг айтишига

кўра, агар бола тушса ва унда инсонлик табиати зоҳир бўлиб қолган бўлса, у тушганидан кейинги қон нифос ҳисобланади. У намозларни ва рўзани тарк қилади ва пок бўлгунча эри ундан узоқлашади. Агар ҳомила тушса ва у хали шаклланмаган бўлса, унинг қони нифос қони деб эътиборга олинмайди. Балки у фасод қонидир. У намозни, рўзани ва улардан бошқа нарсаларни ман қилмайди. **Аҳли илмлар айтадилар:** Ҳомиланинг энг кам шаклланиш зоҳир бўладиган вақт <sup>^</sup> <sup>^</sup> кундир. Чунки она қорнидаги ҳомила, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу

айтганларидек, **Росулуллох**  
соллОллоҳу алайҳи ва саллам бизга  
дедилар ва у зот энг тўғри  
сўзлагувчидирлар: «Албатта  
сизлардан ҳар бирингизнинг шакли  
шамоили онасининг қорнида  $\xi \cdot$   
кунда нутфа шаклида жамланади  
(яъни **томчи сув**), сўнгра шу каби  
қуюқ қон бўлади, сўнгра шу каби  
бир парча гўшт бўлади, **сўнг унга**  
**фаришта юборилади ва унга рух**  
**пуфлайди ва у тўртта сўзга:** унинг  
ризқини, ажалини, амалини, бахтли  
ё бахтсиз эканини ёзишга  
буюрилади». (**Бухорий ва Муслим**  
**ривояти**).

Бундан олдин шаклланиши мумкин эмас. Кўпинча баъзи аҳли илмлар айтгани каби, шаклланиш 90 кундан олдин зоҳир бўлмайди.

**24-савол: Бир сўровчи аёлнинг айтишича, унга рамазон рўзаси фарз бўлганидан бери рўза тутар ва лекин ҳар ойда кўрадиган ҳайзи туфайли тутмаган рўзаларининг қазосини уларни саноғини билмагани учун тутмас экан, шу сабаб у қилган ишлари муқобилида нима қилиши кераклиги ҳақида йўлланма сўради.**

Жавоб:

Мўмина аёлларнинг орасида шундай ҳоллар бўлиши бизларни афсуслантиради. Албатта бу тарк қилишлик, яъни билмаган ёки эътиборсиз ҳолда унга вожиб бўлган рамазон рўзасининг қазосини тарк қилишлик иккалови ҳам мусибатдир. Чунки билмасликнинг давоси илм ва саволдир. Аммо эътиборсизликнинг давоси Оллоҳга тақво қилиш ( кўрқиш ) ва муроқоба қилиш (яъни Оллоҳ кўриб тургандек ва сиз Оллоҳни кўриб турганингиздек ибодат қилиш) Унинг азобидан кўрқиш, Унинг розилиги бор бўлган нарсага шошилишдир. Бу аёлга қилган иши

учун Оллоҳга тавба қилишлиги, ундан истиғфор сўрашлиги, тарк қилган кунларини кўлидан келганча текшириб чиқиб, қазосини тутиб бериши вожибдир. Шу билан ўз зиммасидагини адо этган бўлади. Оллоҳдан унинг тавбасини қабул қилишини умид қиламиз.

**۲۵-савол: Мурожаат қилувчи аёл айтади: Агар аёл киши намоз вақти кирганидан кейин ҳайз кўрса, пок бўлганида шу намозни қазосини адо қилиши вожибми? Шунингдек, агар намоз вақти чиқишидан олдин пок бўлсачи?**

Жавоб:

Аввало, аёл киши вақти кирганидан кейин яъни намоз вақти кирганидан кейин ҳайз кўрса, агар унинг вақтида ҳайз бўлиб қолган намозини ҳайз келишидан олдин ўқимаган бўлса, пок бўлганида шу намозни адо қилиши вожиб бўлади. Бунга далил Росулуллоҳ соллОллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари: "Кимики намознинг биринчи ракаатига етса, намозни топган бўлади", Агар аёл киши намоз вақтининг бир ракаатлик миқдорини топса, сўнг намоз ўқишидан олдин ҳайз кўрса, пок бўлгач намозини қазосини адо қилиши лозим бўлади.

Иккинчидан: Агар намоз вақти чиқиб кетишидан олдин пок бўлса, албатта унга ўша намознинг қазоси вожиб бўлади. Агар қуёш чиқишидан бир ракаат намоз миқдори олдинроқ пок бўлса, унга бомдод намозининг қазоси вожиб бўлади. Агар қуёш ботишидан бир ракаат намоз миқдори олдин пок бўлса, аср намози вожиб бўлади. Агар кечанинг ярмидан бир ракаат намоз миқдори олдин пок бўлса, унга хуфтон намозининг қазоси вожиб бўлади. Агар кечанинг ярмидан кейин пок бўлса, унга хуфтон намози вожиб бўлмайди. Бомдоднинг вақти кирса унга

ўқишлик вожиб бўлади. **Оллоҳ таоло айтади:** "Бас қачон хотиржам бўлгач намозни тўқис адо этинглар. Албатта намоз мўминларга **(вақти)** тайинланган фарз бўлди". **(Нисо: 103).**

Яъни чегараланган вақт билан белгиланган фарз. Намозни ўз вақтидан чиқариб юбориш ва уни вақтидан олдин бошлашлик инсонга жоиз бўлмайди.

**26- савол:Бир киши айтади:**  
**сизга маълум қиламанки менинг**  
**70 ёшга кирган онам бор, у 19 йил**  
**муддат ичида фарзандли**  
**бўлмаган, шу билан бирга унда 3**

**Йил қон кетиши бўлган ва бу нарса касаллик бўлиб унга ҳозирги вақтда ҳам келмоқда, у (яъни онам) яқинда рўза тутиши керак, унга лутф қилиб қандай насиҳат қиласиз? Унга ўхшаганлар қандай тасарруф қилади?**

Жавоб:

Шу аёл каби қон кетишига йўлиққан аёлларнинг ҳукми бу касаллик етишидан олдинги одатий муддати давомида намоз ва рўзани тарк қиладилар. Агар мисол учун унинг ҳайзи ҳар ойнинг бошида 7 кун келадиган бўлса, у ҳар ойнинг

аввалида 7 кун намоз ўқимайди ва рўза тутмайди. Агар вақти тугаса ғусл қилади, намоз ўқийди ва рўза тутади. **Бундай аёлларнинг намоз ўқиш ҳолати қуйидагича:** У фаржини умумий ҳолда ювади ва уни мато билан ўрайди ва таҳорат олади. Бу ишларни фарз намозининг вақти кирганда қилади. Агар фарз вақтларидан бошқа вақтларда нафл ўқимоқчи бўлса ҳам шундай қилади. Бу ҳолатда унга машаққат бўлгани учун пешин ва аср намозини ҳамда шом ва хуфтон намозини жамлаши жоиздир. Токи унинг бу амали икки намозига, яъни пешин ва асрга ҳамда яна икки намозга шом ва

хуфтонга, ҳамда бомдодга биттадан бўлади. Ва бу ишини ҳар куни беш марта қилиш ўрнига уч марта қилади. **Иккинчи марта қайтариб айтаман:** Агар у таҳорат қилишни хоҳласа, фаржини ювади ва чиқадиган қон камайиши учун фаржини мато ёки шунга ўхшаш нарса билан боғлайди, сўнг таҳорат олиб намоз ўқийди. У аёл пешинни ۴ ракаат, асрни ۴ ракаат, шомни ۳ ракаат, хуфтонни ۴ ракаат, бомдодни ۲ ракаат ўқийди. Яъни баъзилар ўйлагани каби қаср қилмайди. Лекин унга пешин ва аср, шом ва хуфтон намозларини жамлаши жоиз. Пешин ва асрни

кечиктириб, яъни аср вақтида ёки эртароқ, яъни пешин вақтида ўқийди. Шунингдек, шом ва хуфтонни ҳам кечиктириб, ё эртароқ ўқийди. Агар шу таҳорати билан нафл ўқимоқчи бўлса зарари йўқ.

## Намозда поклик ҳуқумлари

### ۲۷-савол:

Аёллардан келадиган оқ ёки сариқ суюқлик покми ёки нажасми? Уни доимо келиб туришини билсада, унга таҳорат қилавериш вожибми? Агар у баъзи пайтларда тўхтаб турса, унинг ҳукми қандай? Албатта

кўпгина аёллар, айниқса ўқувчилар  
(толиба) бу нарса табиий ҳўллик  
(намлик) унга таҳорат қилиш вожиб  
эмас деб, эътибор қилсаларчи?

Жавоб:

Текширувлардан кейин менга зоҳир  
бўлдики, агар аёл кишидан  
чиқадиган суюқлик қовуқдан эмас,  
раҳмдан (бачадондан) чиқётган  
бўлса, демак у покдир. Лекин пок  
бўлсада таҳоратни бузади. Чунки  
таҳоратни бузувчи нарса нажас  
бўлиши шарт қилинмаган. Авратдан  
чиқадиган елнинг зарари, яъни  
(нажаслиги) бўлмасада, таҳоратни  
бузади-ку. Шунга кўра, агар аёл

таҳоратли бўлган пайтида суюқлик келса, унинг таҳорати бузилади ва уни янгилаш вожиб бўлади. Агар доимий бўлса, у таҳоратни бузмайди, лекин намоз вақти киргандагина таҳорат қилади ва таҳорат қилган пайтида фарзлар ва нафлларни ўқийди, қуръон тиловат қилади ва унга мубоҳ бўлган амаллардан хоҳлаганини қилади. Аҳли илмлар бавл ушлолмайдиганлар ҳақида айтганлари каби.

**Аёлларда келадиган суюқликнинг ҳукмлари:**

Поклик жиҳатидан қараганда у покдир. Таҳоратни бузиши жиҳатидан эса у бузувчидир. Агарда у доимий бўлса таҳоратни бузувчи эмас, лекин аёл кишига намоз учун намознинг вақти кирганидан кейингина таҳорат қилиши ва ўзини сақлаши лозим. Аммо суюқлик келиши узилиб-узилиб турадиган бўлса ва намоз пайтларида тўхташ одати бўлса, у агар намознинг вақти ўтиб кетишидан қўрқмаса суюқлик келиши тўхтайдиган пайтга намозни кечиктиради. Агар намоз вақти чиқиб кетишидан қўрқса таҳорат олади, ўзини сақлайди ва намоз ўқийди. Суюқликнинг кўп ва озини

фарқи йўқ, чунки унинг ҳаммаси бир йўлдан чиқади ва унинг кўпи ҳам ози ҳам таҳоратни бузади. Аммо бу нарса таҳоратни бузмайди, деб эътиқод қилувчи баъзи аёлларнинг гапида асос борлигини билмайман. Магарам Ибн Ҳазмнинг биргина сўзлари бор. Албатта у киши бу нарса таҳоратни бузмайди деганлар. Лекин бунга далил айтмаганлар. Агар китоби суннатдан ёки саҳобаларнинг сўзларидан далил бўлганида эди, бу бизга ҳужжат ҳисобланар эди. Аёл кишига Оллоҳдан кўрқиш ва поклигига қаттиқ эътибор бериши вожиб, чунки намоз юз марта ўқилса

ҳам, агар таҳоратсиз бўлса қабул қилинмайди, балки баъзи уламолар айтишадики, ким намозни таҳоратсиз ўқиса кофир бўлади. Чунки бу Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг оятларини масхара қилишга киради.

**ЎА- савол: Агар ундан доимо суюқлик келадиган аёл фарз намози учун таҳорат қилса, кейинги фарз намозининг вақти келгунча шу намознинг таҳорати билан хоҳлаганича нафл намозлар ўқиши ва қуръон тиловат қилиши мумкинми?**

Жавоб:

Агар фарз намозининг аввалги вақтида таҳорат қилса кейинги намоз вақти киргунча хоҳлаганича фарз, нафл намозларини ўқиши ва қуръон тиловат қилиши мумкин.

**۲۹-савол: Бу аёлга бомдоднинг таҳорати билан зуҳо (чошгоҳ) намозни ўқишлиги жоизми?**

Жавоб:

Йўқ, тўғри бўлмайди, чунки чошгоҳ намози вақти тайин қилинган намоздир. Унинг вақти кирганда таҳорат қилиш шарт, чунки у истиҳоза кабидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам

истиҳозали аёлга ҳамма намоз учун таҳорат қилишини буюрганлар.

- **Пешиннинг вақти:** қуёшнинг заволидан аср вақтигача.

- **Асрнинг вақти:** аср вақти кирганидан қуёшнинг сарғайгунича (зарур пайтда қуёш ботгунча).

- **Шомнинг вақти:** қуёш ботгандан қизил шафақ йўқолгунича.

- **Хуфтоннинг вақти:** қизил шафақ йўқолганидан кечанинг ярмигача.

**۳۰ - савол: Бу аёлга кечанинг ярми ўтган бўлса, хуфтоннинг таҳорати билан тунги намозларни ўқиши саҳиҳ бўладими?**

Жавоб:

Йўқ, агар кечанинг ярми ўтган бўлса, таҳоратини янгилаш вожиб бўлади. Яна айтилишича, таҳоратни янгилаши лозим эмасдир ва бу сўз тўғрироқдир.

**۳۱ - савол: Хуфтон намозининг охирги вақти қайси? Ва уни қандай билиш мумкин?**

Жавоб:

Хуфтоннинг охирги вақти кечанинг ярми. Бу нарса қуёшнинг ботиши ва тонг отиши ўртасини иккига бўлиш билан билинади. Биринчи қисм билан хуфтон намозининг вақти

тугайди, иккинчи ярми эса вақти эмас, балки хуфтон билан бомдоднинг ўртасидаги тўсиқдир.

**۳۲- савол: Агар гоҳида ундан суюқлик келадиган аёл таҳорат қилса, таҳоратини тугатганидан кейин, намоз ўқишидан олдин яна келиб қолса, унинг ҳукми қандай?**

Жавоб:

Агар гоҳида-гоҳида келадиган (яъни гоҳ тўхтаб, гоҳ келадиган) бўлса, тўхтайдиган вақт келгунича кутади. Аммо аниқ пайти бўлмаса гоҳ келиб, гоҳ келмайдиган бўлса бундай ҳолда, у намоз вақти кирганидан кейин таҳорат қилади ва

намоз ўқийди, унга ҳеч нарса бўлмайди.

**۳۳- савол: Агар бу суюқлик бадан ёки либосга тегса нима лозим бўлади?**

Жавоб:

Агар пок бўлса унга ҳеч нарса лозим эмас, агар нажас бўлса, яъни раҳмдан (бачадондан) эмас қовуқдан чиқадиган бўлса, уни ювиш вожиб бўлади.

**۳۴- савол: Бу суюқлик сабабидан қилинаётган таҳоратга нисбатан ҳам, фақат таҳорат аъзоларини ювиш билан кифояланадими?**

Жавоб:

Ҳа, агар у пок бўлса яъни қовуқдан эмас, раҳмдан чиқаётган бўлса, сув билан кифоя қилинади.

**۳۵- савол: Саҳобия аёллар диний ишлари ҳақида фатво сўрашга жуда ҳарис бўлишлари билан бирга бу суюқлик ҳақида далил бўладиган ҳадис Росулulloҳдан нақл қилинмаганига сабаб нима?**

Жавоб:

Чунки бу суюқлик ҳамма аёлда ҳам келмайди.

**۳۶- савол:Хукмни билмагани  
учун таҳорат қилмаган аёлга  
нима вожиб бўлади?**

Жавоб:

Унга Оллоҳга тавба қилиши ва бу ҳақида аҳли илмлардан сўраши вожибдир.

**۳۷- савол:Баъзилар бу суюқликка  
таҳорат қилинмайди, деб бу сўзни  
сизга нисбат қилишади. Сиз бунга  
нима дейсиз?**

Жавоб:

Менинг номимдан бу сўзни айтувчилар тўғри эмас. У сўзимдан

суюқлик пок таҳоратни бузмайди,  
деб тушунган бўлиши мумкин.

**۳۸- савол: Ҳайздан олдин бир кун  
ёки ундан кўп ёки камроқ вақт  
мобайнида аёл кишида келадиган  
хира, лойқа рангнинг ҳукми  
нима? Гоҳо келадиган суюқлик  
ингичка қора ип ёки ундан очроқ  
(заифрок) ёки шунга ўхшаш  
бўлади. Агар бу нарса ҳайздан  
кейин келса, унинг ҳукми қандай?**

Жавоб:

Агар бу ҳайздан олдинги жараёнда  
бўлса у ҳайздир. Бу нарса ҳайзли  
аёлда бўладиган одатий оғриқ ва  
қорин оғриқларидан билинади.

Аммо ҳайздан кейинги хираликни эса, йўқ бўлгунича кутилади. Чунки ҳайз билан кетма-кет келган хира, лойқа ранг ҳайздандир. **Оиша разияллоҳу анҳонинг қуйидаги сўзлари бунга далил:** "Тиник оқликни кўрмагунларича шошилмасинлар". (ҳадис).

Оллоҳ билгувчиروқ...

**۳۹-савол: Ҳайздаги аёл икки ракаат эҳром намозини қандай ўқийди? Ҳайзли аёл учун қуръонни ичида такрорлаши жоизми ёки йўқми?**

Жавоб:

Аввало: билишимиз керакки эҳром кийгандан кейин ўқиладиган намоз йўқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари учун эҳром намозини сўзлари, феъллари ва иқроп бўлиш билан ҳам буюрганлари ворид бўлмаган.

Иккинчидан: эҳром кийишдан олдин ҳайз кўрган аёл ҳайзли бўлса ҳам эҳром кийиши мумкин. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг аёли Асмо бинти Умайс разияллоҳу анҳо Зул Ҳулайфада нифосли бўлиб қолганида ғусл қилиб, эҳром кийишини буюрганлар. Шунингдек, ҳайзли аёл ҳам эҳромидан пок

бўлгунича қолади, сўнгра Каъбани тавоф қилади ва Сафо ва Марвада саъй қилади. Аммо саволдаги (қуръон ўқиса бўладими) деган сўзга келсак, ҳа. Ҳайзли аёлнинг ҳожат ёки фойда учун қуръон ўқишга ҳаққи бор. Аммо ҳеч қандай ҳожатсиз ва фойдасиз фақатгина Оллоҳга ибодат қилиш ва унга яқинлашишни хоҳласа бундай пайтда қуръон ўқимагани яхшироқдир.

**❖ -савол: Аёл киши ҳажга сафар қилди ва сафари давомида ۹ кун ҳайзи келди. Мийқотга борганидан кейин, ғусл қилиб эҳром боғлади, лекин ҳайздан**

покланмаган эди. Маккаи  
Мукарраммага етгач, ҳарамдан  
ташқарида қолди ва ҳаж ёки умра  
амалларидан биронтасини  
қилмади. Минода ۷ кун турди,  
сўнг ҳайздан покланиб ғусл қилди  
ва пок бўлган ҳолда умранинг  
хамма амалларини адо этди.  
Лекин ҳаж учун тавофи ифоза  
қилаётганда ундан яна қон келиб  
қолди, у бўлса бундан уялиб ҳаж  
амалларини мукаммал қилди. Бу  
ҳақида валийсига юртига  
қийтгандан сўнг хабар берди.  
Бунинг ҳукми қандай?

Жавоб:

Бу ҳақида ҳукм шуки: агар тавофи ифозада келган қон ўз кўринишидан ёки оғриғидан биладиган ҳайз қони бўлса, унинг тавофи ифозиси саҳиҳ бўлмаган бўлиб, Маккага қайтиб тавофи ифозани қайта қилиши лозим бўлади. Сўнг Мийқотдан у умра учун эҳром кияди ва умрани тавоф, саъй билан адо этади ва сочини қисқартириб, сўнг тавофи ифоза қилади. Агар бу қон ўзи билган табиий ҳайз қони бўлмаса, фақатгина у тиқилинч ёки қурқув ва шунга ўхшаган нарса туфайли пайдо бўлган бўлса, тавоф учун таҳоратни шарт қилмайдиганлар наздида унинг тавофи саҳиҳ бўлган

ҳисобланади. Агар аввалги масалада ( яъни ҳақиқатдан ҳайз қони бўлса) шаҳри узоқ бўлгани учун қайтиб келиш имкони бўлмаса, унинг ҳажи саҳиҳдир. Чунки у қилган амалидан кўпроғига қодир эмасдир.

**❶ -савол: Умра учун эҳром кийган аёл Маккага келгандан сўнг ҳайз кўрса, унинг маҳрами тезда сафар қилишига мажбур бўлса, у билан Маккада қоладиган ҳеч ким бўлмаса унинг ҳукми қандай?**

Жавоб:

У билан сафар қилади ва эҳромида қолади. Агар пок бўлса қайтиб

келади. Бу нарса фақат мамлакат ичидагиларга тааллуқли, чунки қайтиб келиши осон бўлиб қийинчиликка учрамайди, паспортдаги визалар ва шунга ўхшаш нарсаларга муҳтож бўлмайди. Аммо агар у аёл ажнабий бўлса, унга қайтиб келиши машаққат бўлса у ўзини сақлаб, тавоф саъй қилади, сочини қисқаратиради ва шу сафарда умрасини ниҳоясига етказди. Чунки бу ерда унинг тавофи зарурий бўлди, зарурат эса ман қилинган нарсаларни мубоҳ қилади.

**❧ ۲-савол: Ҳаж кунларида ҳайз бўлиб қолган муслима аёлнинг**

## **ҲАЖИ ЖОИЗМИ, УНИНГ ҲУКМИ ҚАНДАЙ?**

Жавоб:

Бу саволга унинг қачон ҳайзли бўлганини билмасдан туриб жавоб бериш мукин эмас. Чунки баъзи ҳаж амалларини ҳайз пайтида қилса бўлади ва баъзиларини қилса бўлмайди. Тавофга келсак уни фақат пок пайтида қилиши мумкин. Ундан бошқа амалларни ҳайз пайтида қилса ҳам бўлади.

### **۴۳-савол:**

Мурожаат қилувчи аёл айтади:  
ўтган йили фарз бўлган ҳажни адо

этдим, шаръий узрим ман қилгани учун тавофи ифоза ва тавофи вадоеъни бажара олмадим, қолган ҳамма ҳаж амалларини адо этдим. Тавофи ифоза ва тавофи вадоеъни қилиш учун бир куни қайтаман деган ниятда уйимга Мадинаи Мунавварага қайтдим. Дин ишларини билмаганим учун, ҳамма нарсани аралаштириб юбордим ва эҳром асносида ҳаром қилинган ҳамма нарсани қилдим, сўнгра тавоф учун қайтишим ҳақида сўрадим. **Менга айтилди:** "Сенга тавоф қилиш тўғри бўлмайди, сен уни буздинг, энди келаси йили сигир ё туя сўйиб иккинчи марта

ҳаж қилишинг вожиб", шу тўғрими?  
Бу нарсани бошқа ечими борми, у  
нима? Менинг ҳажжим бузилдими?  
Мен уни қайтаришим вожибми?  
Менга вожиб бўладиган нарса  
ҳақида маслаҳат беринг, Оллоҳ  
сизларга барака ато етсин!

Жавоб:

Бу ҳам илмсиз ҳолда фатво  
беришдан ҳосил бўлган офатдир.  
Сизга бу ҳолда Маккага қайтиб  
фақатгина тавофи ифозани  
қилишингиз вожиб бўлади. Аммо  
тавофи вадоеъга келсак, сиз  
Маккадан чиқаётганингизда ҳайзли  
бўлганин- гиз учун "тавофи вадоеъ"

сизга вожиб эмас. Бунинг сабаби ҳайзли аёлга тавофи вадое лозим эмасдир. **Бунга Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис далилдир:**

"Инсонларнинг охирги ишлари Байтуллоҳни тавоф қилишга буюрилди, лекин бу ҳайзлилардан енгиллатилди".

Абу Довуднинг ривоятида "Охирги ишлари байтни тавоф қилиш бўлиши керак", деб келтирилган. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Софияни тавофи ифоза қилгани хабар берилгач "Ундай бўлса четлансин", деганлар.

Бу ҳадис ҳайзли аёллардан тавофи вадоъ соқит бўлишига далилдир. Аммо тавофи ифозани қилишингиз шарт. Агар сиз билмаган ҳолда ҳамма ишни қилган бўлсангиз, бу сизга зарар қилмайди. Чунки билмасдан туриб эҳромда ман қилинган нарсаларни қилган кишига ҳеч нарса вожиб эмас.

**Оллоҳ таолонинг сўзи бунга далил:**  
"Роббимиз, агар унитган ёки хато қилган бўлсак бизни азобинга гирифтор айлама". (Бақара: ۲۸۶).

Яна айтади: «Қилган хатоларингиз сабабли сизлар учун гуноҳ йўқдир, лекин кўнгилларингиз қасд қилган

нарсадагина (гуноҳкор бўласиз)». (Аҳзоб: ٥).

Оллоҳ таоло эҳромдаги кишига ман қилган ҳамма амалларни агар билмасдан, унитиб ёки мажбуран қилса, унга гуноҳ йўқдир. Лекин қачон узри тугаса, чалкаш бўлган нарсани кетказиш вожиб бўлади.

**ﺉ ﺉ-савол: Нифосдаги аёлнинг нифоси тарвия куни (зилҳижжанинг ﺁ-куни) бошланса, тавоф ва саъйдан бошқа ҳаж амалларини комил қилса ва у ﺁ ﺁ кундан кейин қайтадан покланишини билса, пок бўладими ва ғусл қилиб қолган**

## рукнини, яъни ҳаж тавофни қиладими ?

Жавоб:

Унга ғусл қилиши ва поклигига ишонч ҳосил қилгунича тавоф қилиши жоиз эмас. Саволдаги "қайтадан" деган сўздан тушиниладики, албатта у тўлиқ покликни кўрмаган. Лекин тўлиқ покликни кўриш шартдир. Қачон пок бўлса, ғусл қилиб тавоф ва саъйни адо этади, агар тавофдан олдин саъй қилса ҳам зарари йўқ, чунки Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан тавофдан олдин саъй қилган киши ҳақида

сўраганларида "гуноҳ йўқ",  
деганлар.

**❦-савол:Бир аёл ҳаж учун сайл  
(жой номи) қилинадиган жойдан  
эхром кийса, ваҳолангки у ҳайзли  
бўлса, Маккага етган маҳалида  
ўзининг ҳожати учун Жиддага  
кетса ва Жиддада пок бўлса ва  
ғусл қилса, сочини тараса сўнг  
ҳажини тамом қилса, унинг ҳажи  
саҳиҳми ёки унга бир нарса  
вожибми?**

Жавоб:

Унинг ҳажи саҳиҳдир, унга ҳеч  
нарса вожиб эмас.

**47-савол: Мурожаат қилувчи аёл:  
мен умра учун чиқдим ва  
мийқотдан ўтдим ҳайзли  
бўлганим учун эҳром киймадим.  
Маккада пок бўлганимча қолдим  
ва Маккадан эҳромга кирдим. Бу  
жоизми ёки нима қилишим  
керак? Менга нима вожиб  
бўлади?**

Жавоб:

Бу амал жоиз эмас. Умра қилмоқчи бўлган аёлга ҳатто ҳайзли бўлса ҳам эҳром киймасдан мийқотдан ўтиш жоиз эмас, гарчи у ҳайзли бўлса ҳам эҳромни боғлайди ва у тўғри бўлади. **Бунга далил:** Абу Бакрнинг

аёли Асмо бинти Умайс бола туғди,  
Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам  
эса, ҳажжатул вадое қилиши учун  
Зул Ҳулайфага тушган эдилар. Асмо  
бинти Умайс Набий соллаллоҳу  
алайҳи ва салламга нима қилишини  
сўраб одам юборди. Росулulloҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга  
"Ғусл қилгин ва киймингни  
истисфор қилгин ва эҳромга  
киргин", дедилар. Ҳайз қони нифос  
қони кабидир. Ҳаж ё умра қилмоқчи  
бўлган аёл миқотдан ўтса унга ҳам  
"Ғусул қилгин ва киймингни  
истисфор қилгин ва эҳромга  
киргин", деймиз. "Истисфор"нинг  
маъноси "Аёл киши фаржига мато

қўйиб уни боғлайди, сўнг ҳаж ёки умра бўлсин эҳромга киради, лекин агар эҳромга кирса ва Маккага етса Каъбанинг олдига келмайди ва уни пок бўлгунича тавоф қилмайди. Бу ҳақида Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизга умра пайтида ҳайзли бўлиб қолганларида "Ҳожилар нима қилса шуни қилинг, лекин пок бўлгунингизча байтни тавоф қилманг", дедилар. (Муслим ва Бухорий ривояти).

Саҳиҳи Бухорийда ҳам Оиша разияллоҳу анҳо айтадиларки, улар пок бўлганларида байтни тавоф қилиб, сўнгра Сафо ва Марвани

саъй қилган эканлар. Бу нарса шунга далолат қиладики, аёл киши агар ҳаж ёки умра учун ҳайз ҳолатида эҳром боғласа ёки тавофдан олдин ҳайз келса, бу ҳолда у пок бўлиб ғусл қилгунича тавоф ва саъй қилмайди. Аммо агар пок ҳолатида тавоф қилса, тавофни тугатганидан кейин ҳайзи келса у ҳолда давом этаверади ва саъй қилади, ҳайзли бўлса ҳам. Сўнг сочини қисқартиради ва умрасини комил қилади. Чунки Сафо ва Марва ўртасида саъй қилиш учун таҳорат шарт қилинмайди.

**❧ Ҷ-савол: Мурожаат қилувчи айтади: Янбуъ (жой номи)дан**

**умра учун мен ва аҳлим келдик.**  
**Жиддага етган пайтимда аёлим**  
**хайзли бўлиб қолди. Лекин мен**  
**аёлимсиз бир ўзим умрани комил**  
**қилдим. Аёлимга нисбатан ҳукм**  
**қандай?**

Жавоб:

Аёлингизга нисбатан ҳукм шуки, пок бўлгунича Маккада қолади ва умрасини бажаради. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам София разияллоҳу анҳо хайзли бўлиб қолганларида "У бизни ушлаб турибдими?" деганларида, одамлар "У оқиб кетди (яъни хайз кўрди)", дейишган. Росулulloҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам "Ундай бўлса четлансин", деганлар.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг "У бизни ушлаб турибдими?" деган сўзлари, аёл киши тавофдан олдин ҳайз кўрса, пок бўлиб тавоф қилгунича қолишига далилдир. Умра тавофи ҳам ифоза тавофи кабидир. Чунки у умрани ҳукмидир. Агар умра қилувчи аёл тавофдан олдин ҳайз кўрса пок бўлгунича кутади, сўнг тавоф қилади.

**❧-савол:Сафо ва Марва ҳарамданми? Ҳайзли аёл унга яқинлашадими? Сафо ва**

## **Марвадан ҳарамга кирган кишига таҳийятул масжид ўқиш вожибми?**

Жавоб:

Зоҳиран Сафо ва Марва масжиддан эмасдир. Шунинг учун у иккисининг орасини ажратиб турадиган девор қилинган, лекин у қисқа девордир. Шубҳа йўқки, бу нарса инсонлар учун хайрлидир. Агар у масжидга киритилганда ва масжид ҳисобланганда, аёл киши тавоф ва саъйнинг орасида ҳайз кўрганда, у саъй қилишдан қайтарилган бўлар эди. Шундай фатво бераманки, агар аёл киши

тавофдан кейин саъйдан олдин ҳайз кўрса у саъй қилаверади, чунки Сафо ва Марва масжид ҳисобланмайди. Таҳийятул масжидга келсак, айтилишича киши тавофдан кейин саъй қилиб масжидга қайтса, уни ўқийди. Агар таҳийятул масжидни тарк қилса, унга гуноҳ йўқ. Бу ерда намоз ўқишининг фазилати борлиги учун фурсатни ғанимат билиб икки ракаат намоз намоз ўқигани афзал.

**❧ 9-савол: Мурожат қилувчи аёл айтади: Мен ҳаж қилдим ва менинг ҳайзим келди, мен эса бирор кимсага айтишдан уялдим, ҳарамга кирдим намоз ўқидим,**

## **тавоф ва саъй қилдим, у менга нифосдан кейин келгани учун нима вожиб бўлади?**

Жавоб:

Агар аёл киши ҳайзли бўлса ёки нифосли бўлса, Маккадами ўз юртидами намоз ўқиш ҳалол бўлмайди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёл киши ҳақида, "Ҳайз кўрганда намоз ўқимайди ва рўза тутмайди-ку", деган сўзларига асосан, мусулмонлар иттифоқ қилишларига кўра, ҳайзли аёлга рўза тутиш ва намоз ўқиш ҳалол бўлмайди. Шунга кўра, бу ишни қилган аёлга Оллоҳга

тавба қилиш ва қилган иши учун истиғфор айтиши вожиб. Аммо ҳайз ҳолатидаги тавофи саҳиҳ эмас, лекин саъй саҳиҳдир. Чунки ҳажда саъйни тавофдан олдин қилиш жоизлиги ҳақида афзал қавл бор. Шунга кўра, унга тавофни қайта қилиши вожиб. Чунки тавофи ифоза ҳажнинг рукнларидан биридир. [۷] Иккинчи эҳромдан чиқиш у билан бўлади. Шунга биноан бу аёлга агар у турмушга чиқган бўлса, тавоф қилмагунча эри яқинлашмайди. Агар турмушга чиқмаган бўлса, тавоф қилмагунча никоҳ ҳам ўқилмайди.

Оллоҳ таоло билгувчирок..

**• -савол: Аёл киши арафа куни  
хайз кўрса нима қилади?**

Жавоб:

Агар араф куни хайз кўрса ҳажда давом этиб инсонлар нима қилса шуни қилади, лекин пок бўлгунча байтни тавоф қилмайди.

**• -савол: Аёл киши жамратул  
ақбада тош отишдан кейин  
тавофи ифозадан олдин хайз  
кўрса, у эри билан боғлиқ бўлса,  
эри эса жамоа билан бирга бўлса  
уйга кетгач қайтиб келиши  
мумкин эмаслигини билса нима  
қилади?**

Жавоб:

Агар қайтиш имкони бўлмаса, у ўзини сақлаб сўнг зарурат учун тавоф қилади, унга ҳеч нарса вожиб бўлмайди ва ҳажнинг қолган амалларини комил қилади.

**۵۲-савол: Агар нифосли аёл ۴۰ кундан олдин пок бўлса ҳажи саҳиҳ бўладими? Ҳажга ният қилганини билатуриб, агар покликни кўрмаса нима қилади?**

Жавоб:

Агар нифосли аёл ۴۰ кундан олдин пок бўлса у ғусл қилади, намоз ўқийди ва пок аёллар нимани қилса

шуни қилади, ҳатто тавофни ҳам. Чунки нифоснинг энг кам муддатининг чегараси йўқ, аммо покликни кўрмаса ҳам ҳажи саҳиҳдир. Лекин пок бўлмагунча тавоф қилмайди, чунки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайзли аёлларни тавофдан қайтарганлар, бу масалада нифос ҳам худди ҳайз кабидир.

---

[\[1\]](#) Изоҳ, асрнинг бир ракаатига етса ҳам дегани, қуёш ботишидан олдин турт ракаатдан бирига улгурса ҳам, намози саҳиҳ булади деганидир.

[۲] Илова: ҳажда эҳром кийган одам соч олдиргандан кейин биринчи эҳромдан чиқиб унга баъзи ман қилинган ишлар жоиз бўлади. Тавофи ифозадан кейин, иккинчи эҳромдан чиқиб, ҳамма нарса мумкин.